

Одами эрсанг, демагил одами, ониким йўқ халқ гамидин гами

ХАЛҚ ОВОЗИ

Бўка тумани ҳафталик ижтимоий-сиёсий газетаси



2026 йил
20 февраль
ЖУМА
8 (6637)
газета 1952
йилдан чиқа
бошлаган
gazeta_xalq_ovozi

ТАКЛИФ ВА ТАШАББУСЛАР ТИНГЛАДИ



Тадбирда Президент Администрацияси масъул вакили А.Азизов, республика ишчи гуруҳи вакили Н.Қаюмов, туман ҳокими С.Исоқулов, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, банкларнинг масъуллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этишди.

Мазкур учрашувлар мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган ислохотларнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

Очиқ мулоқот давомида тадбиркорларнинг фаолиятида учраётган муаммолар, уларни қийнаётган масалалар тингланиб, ҳар бир мурожаатга алоҳида ёндашилди. Шунингдек, янги бизнес бошлаш истагида бўлган фуқароларга тадбиркорлик асослари, имтиёзли кредитлар, давлат дастурлари, субсидия ва грантлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб ўтилди.

Учрашувда тадбиркорларнинг таклиф

ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мавжуд тўсиқларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган олинди. Бу эса давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасида очиклик, ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Очиқ мулоқотлардан қўзланган асосий мақсад – тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, фуқароларнинг бизнесга бўлган қизиқишини ошириш, янги фоя ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда туман иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдан иборат. Шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш, барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш кўзда тутилган.

Бундай очиқ мулоқотлар белгиланган режа асосида «Хўжақўрғон», «Катта Работ» ва «Бўстон» маҳаллаларида ҳам ўтказилиб, ҳар бир тадбиркор ва фуқаронинг мурожаати эътибор марказида бўлиши таъминланади.

Г. ЁМҒУРОВА.
А.АБДУРАШИДОВ
олган суратлар.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан тадбиркорлар ҳамда тадбиркорликка қизиқувчи фуқаролар иштирокида очиқ мулоқот учрашувлари ташкил этилмоқда. Режа график асосидаги дастлабки учрашув «Дўстлик» маҳаласидаги ҳокимлик биносидан бўлиб ўтди.

СОЛИҚ БИЛИМЛАРИ ЁШ АВЛОДГА

Куни кеча туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 27-сонли умумтаълим мактабида «Солиқ билимлари – ёш авлодга» ижодий ишлар кўрик - танловининг туман босқичи ва галибларини тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди.



Тадбирда тумандаги мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари қуйидаги ёш тоифасида 5-7- синфлар «Солиқларнинг расмдаги тасвири» номли расм, 8-9-синфлар «Солиқ: кеча, бугун, эртага» мавзусида иншо, 10-11-синфлар «Солиқлар нима учун тўланади ва нима учун сарфланади?» мавзусида видеоролик йўналишларида беллашилди. Танлов якунида энг яхши ижодий ишлар соҳиблари Солиқ инспекцияси туман бўлимининг бошлиғи Ш.Хазратов томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ушбу танлов ўқувчиларнинг солиқ тўғрисидаги билимларини ошириб, солиқ маданияти шаклланишига ва истеъдодларини намойён қилишга хизмат қилади.

(Ўз мухбиримиз).

УШБУ СОНДА

ТИРИКЛИК
УЧУН ЗАРУРИЙ
ВОСИТА

»»» 2

БИЗНИ ТАРК
ЭТАЁТГАН
ТУЙҒУ

»»» 4

Қиш
ё
лизири

Абдуқаҳҳор
ИБРОҲИМОВ

»»» 5

ШОВҚИНЛИ
ҲАЁТДАН
УЗИЛИБ

»»» 6

ТИРИКЛИК УЧУН ЗАРУРИЙ ВОСИТА

Ўзбекистон ҳудудида аجدодларимиз томонидан она-табиатни муҳофаза қилиш, асраб-авайлаш, табиий бойликларни эъзозлаш, атроф-муҳитни тоза ва пок сақлаш, экологик маданият соҳасида бой мерос қолдирилган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш ва мавжуд экологик муаммоларни ечишни республикамиз миллий хавфсизлигини таъминловчи асосий омил деб қаралиб, ёшларда экологик маданиятни шакллантиришга ва бу соҳадаги халқимизнинг бой маънавий меросидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги глобаллашув шароитида аجدодларимизнинг қадимий ва бой экологик маданият соҳасида қолдирган меросини чуқур ўрганиш, она-тупроқни, сувни, ҳавони, табиатни асраб авайлаш, мусоффо ҳолда авлодларга қолдириш, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда.

Ёш авлодни маънавиятли, жисмонан бақувват қилиб вояга етказишга,

уларнинг узоқ умр кўришларига биринчи навбатда экологик муҳитнинг бузилиши салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли аждодларимиз экологик муҳит бузилишининг олдини олишга ҳаракат қилишган, ёш авлодни жисмонан бақувват қилиб тарбиялашган, табиатга ниҳоятда эҳтиёт бўлишган, уни кўз қорачигидек асрашган. Муқаддас заминга ихлос аждодларимизнинг ҳамиша диққат марказида бўлган. Она заминга меҳр Ватан туйғуси билан уйғунлашиб юртдошларимизнинг ҳаётий мезонларига айланган қолган. Юртидан фахрланиш, она-заминни, табиатни эъзозлаш боболаримиздан қолган меросдир.

Бугунги кунда ёшларда экологик маданиятни шакллантириш учун энг аввало халқимизнинг тарихан таркиб топган экологик маданий меросини

ўрганиш зарур. Экология атамаси юнонча бўлиб, уй, турар-жой ҳамда ўрганиш, фан, таълим деган сўзларнинг кўшилмасидан ҳосил бўлган.

Экология организмлар ва улар билан атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганадиган фан сифатида ҳам талқин қилинади.

XX асрнинг иккинчи ярмида биосферага салбий, яъни табиий ва антропоген таъсири ортиши натижасида экологик инқирознинг юзага чиқиши ва табиатни муҳофаза қилиш ишларини кенг миқёсда амалга ошириш зарурати кучайиши билан экологиянинг амалий аҳамияти ошиб кетди.

Ҳозирги даврда саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, транспорт, қурилиш масалаларини, шунингдек, илмий-техникавий, демографик муаммоларни ҳал этиш ҳамда табиий

ресурслардан оқилона фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишда экологик ёндашув ниҳоятда зарур бўлиб қолди.

Оролнинг қуриши ҳам – Марказий Осиёдаги жуда катта экологик фожиа. Амударё ва Сирдарёнинг суви Оролга етиб бормаяпти. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида деҳқончилик ишлари сув камлиги туфайли қийин аҳволни бошдан кечираяпти. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ўта долзарб ва мураккаб муаммо бўлиб турибди. Оролнинг қуриши оқибатида ҳавога туз кўтарилиб, Оролбўйини, ҳатто, Бухоро, Навоий вилоятларидаги экиладиган майдонлар устини ҳам туз қоплаяпти. Одамлар ўртасида кўплаб касалликлар келиб чиқишидан табиатга зиён етаяпти, ўсимликлар қуриаяпти, ҳайвонлар ҳам турли касалликларга чалинаяпти.

Тарихни ўргансак, табиат доимо инсониятнинг диққат марказида бўлганлигини кўраемиз. Аждодларимизнинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто» ҳам бундан муносабат эмас. Ўтмишдошларимизнинг қонунлар мажмуасида табиатга, она-заминга муносабат, экологик маданият ва ёшлар тарбияси олий даражада ҳал қилинган.

Халқимизнинг тарихий-адабий ёдгорлиги «Авесто»га эътибор берадиган бўлсак, аждодларимиз атроф-муҳитга, она-заминга ниҳоятда эҳтиётда бўлиб, уни асраб-авайлаганлигига гувоҳ бўламиз.

Аждодларимиз табиатни авайлаб, уни кўз қорачигидек асрашган. «Авесто»нинг гувоҳлик беришича табиат илоҳийлаштирилган. Агар тузукрок ўйлаб кўрилса, улар мутлақо ҳақ бўлганлар. Чунки табиат – бу ҳаёт, одамзоту барча тириклик учун зарурий воситадир.

**Феруза МАМАДАЛИЕВА,
ТошДАУ ижтимоий-гуманитар
фанлар кафедраси доценти.**

ШЕЪРИЯТ БУ ҚАЛБ САДОСИ

Шеърият инсон қалбидан отилиб чиқадиган мусоффо булоқдир. Унинг ҳар бир қатрасида дард, орзу, умид ва муҳаббат мужассам. Булоқ суви табиатни қандай яшнатса шеърият ҳам инсон руҳини поклайди. Мактабимизнинг ижодкор ўқувчилари даврасида ўзбек адабиёти осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порлаган Саида Зуннунованинг таваллуд кунига бағишланган «Шеърият бу қалб садоси» номли тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда мактабнинг истеъдодли ва ижодкор ўқувчилари шоира қалбининг нозик кечинмалари ифодаланган ёшлик сурӯри, Ватан шукӯҳи ва меҳнат нашидасини тараннум этган шеърий тўпламлари «Қизингиз ёзди», «Янги шеърлар», «Гуллар водийси», «Қизларжон» каби тўпламлари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, она, муҳаббат ҳақидаги шеърларидан парчалар ўқиб беришди. Саида Зуннунова нафақат шоира, балки матонатли ўзбек аёлининг тимсоли ҳамдир. Унинг муҳаббат, садоқат, ҳаёт синовлари ва инсон руҳияти чуқур акс этган ижоди ижодкор ўқувчилар учун назм ва адабиёт мактаби бўлиб қолади.

**Шоира МАМАТҚУЛОВА,
24-мактабнинг
кутубхона мудираси.**

Эълон ва билдирувлар

Тумандаги «Best Luck Trading» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Тумандаги «Икром ўғли Сайфиддин» МЧЖга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**



ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бугунги кунда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инсоният олдида турган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Туманимиздаги 13-ДМТТда «Кичик қадамлар катта ўзгаришлар болаларда экологик маданиятни шакллантириш» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарда туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бош услубчиси Гулчехра Исмоилова, услубчи Шарифа Урмонова ва тумандаги йигирма учта мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тажрибали директор ўринбосарлари иштирок этди.

Семинарни 12-, 15-боғча директорининг ўринбосарлари, педагоглар Зумрад Худойбердиева ва Наргиза Турдиматовалар олиб борди.

– Болаларда экологик маданиятни шакллантириш бу уларда табиатга эҳтиёткор муносабат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масъулиятини беради, – дейди Г.Исмоилова. – Бу тарбия эрта бошланса, келажақда онгли ва масъулиятли шахс вояга етади.

Семинар давомида экологик таълимни самарали ташкил этиш, замонавий педагогик технологияларни қўллаш бўйича назарий ва амалий тавсиялар берилди.

Боғчанинг тарбияланувчилари иштирокида «Ер сайёрасини қутқарамиз» интерактив амалий машғулоти ўтказилди. Машғулот орқали болаларга табиатга эътибор экологик масъулият ва атроф-муҳитга меҳр туйғуларини шакллантирилди. Экологик маданият бу фақат билим эмас балки ҳаётимиз тарзидир. Болаларга табиатни асраш ғояси ёшлиқдан сингдирилса келажақда соғлом муҳит ва барқарор жамият шаклланади.

**Дилфуза УСМОНОВА,
А.АБДУРАШИДОВ
олган суратлар.**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ БУЮК СИЙМОЛАРИ

томонидан Навоий ва Бобур ижодидан «Тараххум», «Эй сабо», «Гулжамол» ғазаллари маромига етказиб куйланди. Анъанавий хонандалик йўналишининг 4-синф ўқувчиси Фарзона Сармонова томонидан «Айлагач» ғазалининг ижро этилиши

солинган ғазаллар мириқиб тингланди. Икки адабимиз қолдирган маънавий мерос ёш авлод учун ибрат мактабидир. Навоий ва Бобур руҳи ҳамиша қалбимизда яшайди. Уларнинг назми келажак авлод дилларида наво бўлиб

Буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий ғурур ва маънавий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш, мумтоз адабиётга бўлган қизиқишни ошириш мақсадида буюк Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 543 йиллиги муносабати билан туманимиздаги 19-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида «Назм ва наво» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.



Тадбирни туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари О.Джурраев очиб берди. Шу мактаб директори Ў.Раҳматуллаев, 1-мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қандолат Турсуновалар сўзга чиқиб, тадбир иштирокчиларига икки буюк шахснинг бизга қолдирган бой мероси ҳақида сўзлаб беришди. Шундан сўнг саҳнада туманимиздаги 2-,

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида шундай улуг зотлар борки уларнинг номи асрлар давомида халқ қалбида яшаб келмоқда. Ана шундай буюк сиймоларимиздан Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. Уларнинг ижоди нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон маданияти тараққиётига ҳам улкан ҳисса қўшган.

5-, 32-мактабларнинг юқори синф ўқувчилари томонидан Навоий, Бобур рубойлари ёддан ўқилиб берилди. Саҳна кўринишлари орқали «Хамса» ва «Бобурнома» асарларининг қаҳрамонлари гавдаланди.

Мактабнинг фольклор йўналиши ўқитувчиси Беҳзод Раҳимов, мақом йўналиши ўқитувчиси Диёра Раҳимова ҳамда анъанавий хонандалик ўқитувчиси Фаррух Холматовлар



буюк бобокалонларимизга бўлган эҳтиромнинг тўхфаси бўлди. Саҳнада янграган икки адиб қаламига мансуб куйга

таралиб тураверди.
Д.УСМОНОВА.
А.АБДУРАШИДОВ
олган суратлар.

АМИР ТЕМУРНИНГ 690 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БУЮК СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 февралда «Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Буюк давлат арбоби ва саркарда, Иккинчи Уйғониш даври – Темурийлар Ренессанси бунёдкори Амир Темур миллий давлатчилигимиз ва жаҳон тарихида беқиёс ўрин тутди.

Амир Темур 1336 йил 9 апрелда Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинида таваллуд топган. У қисқа муддат ичида юксак сиёсий заковат, ҳарбий маҳорат ва мустаҳкам ирода соҳиби сифатида тарих саҳнасиغا чиқди. Темурийлар давлатига асос



солиб, у Марказий Осиёда кучли ва марказлашган давлат барпо этди.

Унинг раҳнамолигида мамлакатда адолат, интизом ва тартиб устувор тамойилга айланди.

Амир Темур нафақат забардаст кўмондон, балки улкан бунёдкор ҳам эди. Самарқандни ўз давлати пойтахтига айлантириб, уни дунё тамаддуни марказларидан бирига айлантирди. Шаҳарда ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида масжид, мадраса, кўприк, сарой ва боғлар барпо этилди. Унинг «Куч – адолатдадир» деган шиори давлат бошқарувининг бош тамойилига айлангани бежиз эмас.

Темурийлар даври илм-фан ва маданият ривожининг янги босқичини бошлаб берди. Амир Темур томонидан яратилган мустаҳкам давлат пойдевори кейинчалик Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк

сиймолар етишиб чиқишига замин яратди. Бу давр жаҳон цивилизацияси тарихида «Темурийлар Ренессанси» номи билан алоҳида ўрин тутди.

690 йиллик сана – бу шунчаки тарихий рақам эмас. Бу – миллий ғурур ва ифтихор рамзи, аждодларимиз қолдирган бой меросни яна бир бор англаш ва қадрлаш имкониятидир. Амир Темурнинг ҳаёт йўли, жасорати ва давлатчилик тажрибаси бугунги авлод учун ҳам ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Буюк соҳибқирон хотираси қалбимизда абадий яшайди. Унинг номини улуғлаш, меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Гулжаҳон ЁМҒУРОВА.

Авалло миллий ғурур хусусида фикр юритсак. «Миллий ғурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфияти. Бу туйғу ўз она замани, авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларидан, ўзга миллат олдидаги кадр-қиммати, обрў-этиборидан фахрланиш ҳиссиётидир», дейлади «Мустақиллик» изоҳли илмий-оммабоп луғатида.

Биз биринчи ва иккинчи Уйғониш даврида жаҳон илму фани ривожига бемисл ҳисса қўшган буюк боболаримиз, хусусан юртимиз ҳудудида XI ва XV асрларда дорул ҳикматга (Хоразм Маънун академияси ва Самарқанддаги Улуғбек академияси) асос солган маърифатпарвар ҳукумдорларнинг шарафли хизматидан қалбимизда улкан фахр туямиз.

Таасуфки, минтақа уч хонликка бўлинган даврдан бошлаб ифтихор туйғуси тобора сўниб борди ва пировардида биз ўзга миллатлар қаршида қаддимизни адл тутиб юролмайдиган ҳолга тушдик. Аччиқ аммо очик ҳулосамизни асосламоқ учун тарихдан кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

XIX асрнинг иккинчи яримидаги ҳодисаларни ёдга олайлик.

Чор империяси Урта Осиёга ҳужум қилишдан олдин талай омиллар қатори, ўлкада ҳукм сураётган уч ўзбек давлатининг (Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари) ўзаро муносабатларини чуқур ўрганган ва улар ҳатто ғаним босқини вақтида ҳам бир-бирига кўмак бермаслиги тўғрисида қатъий ҳулосага келган эди. Воқеаларнинг кейинги ривожини ушбу ҳулосанинг тўғрилигини тасдиқлади. Холбуки, Россия империяси 1853-1856 йиллардаги Қрим урушидаги мағлубият ортидан оғир аҳволга тушиб қолган эди. Оғзибирчиликнинг йўқлиги сабабли эса хонликлар кучдан қолган давлатга бирин-кетин таслим бўлди.

Рус империяси 1873 йили Хива хонлигига қарши ҳарбий ҳаракат бошлади. Бу юришда америкалик журналист, «Нью-Йорк Жеральд» газетаси муҳбири Януарий Алоизий Мак-Гаҳан ҳам қанташган. Унинг Хива юришига оид эсдаликлари «Жаҳон адабиёти» журналининг 1997 йил 2-сонидан босилган эди. Мак-Гаҳан ўз хотираларида, куйидагиларни баён этади: «Урислар деярли қаршиликка учрамай Амударёдан кечиб ўтдилар. Биз кечувдан минг машаққат билан ўтаётганимизни хиваликлар рўпарадаги баланд қирғоқдан кузатиб туришарди. Улар жуда қулай маррани эгаллаган, ҳатто тош отиб бўлса-да, бизга катта талофат етказишлари мумкин эди... Хиваликларнинг тумшуғи узун

БИЗНИ ТАРК ЭТАЁТГАН ТУЙҒУ

Ҳар қандай миллат қиёфасини, миллий ғурури, она тилини ардоқлаш ўз тарихига эҳтиром билан чамбарчас боғлиқдир. Хўш, биз озод миллат вакили бўлиб, шу муҳим фазилатни шакллантира олдикми? Албатта, бу борада ютуқларимиз бисёр. Аммо биз мақолада кўпроқ ислоҳ этмоғимиз лозим бўлган жиҳатларга эътибор қаратмоқчимиз. Зеро, танқиду таҳлилдан оқилона хулоса чиқариб, хатоларни ўнглаш ҳам миллатнинг улўғлиги, донишмандлигидан далолат беради.

мис замбараклари узокқа отишда русларникидан қолишмасди. Афсуски, жанг қилишга хиваликларда на хоҳиш ва на журъат сезилмади. Биз қирғоққа тирмашиб, бир амаллаб чиқа бошлагач, чекинишга тушишди. Улар ташлаб кетган кўп замбаракларни ўлжа олдик». Америкалик муҳбирнинг таъкидлашича чор армияси кечув чоғида катта талофат кўрган. Аскарлар силласи қуриган, озиқ-овқат тугаган, отларнинг ем-хашаги қолмаган.

Сирасини айтганда, босқинчиларнинг мағлубияти муқаррардек эди. Бироқ тақдирнинг ҳазили, тарихнинг истехзосини кўрингки, хиваликлар ўз душманини оёққа туриб олишига кўмаклашаётганди. Чор аскарларига нон ва бошқа егуликлар улашади, отларига ем хашак сотади. Ёзувчи Тоғай Мурод таъбири билан айтганда, ғанимга пой-патак бўлади. Мак-Гаҳан ҳам хиваликлар ёғийга илтифот кўрсатганидан чандон ҳайратга тушганини ёзади.

Кейинчалик муҳбир Россия пойтахтида Хива хони Иккинчи Муҳаммад Раҳимхон билан суҳбатлашишга муваффақ бўлган ва уни фавқуллодда ҳайрон қолдирган ўша ходиса хусусида ҳам сўраган. Мак-Гаҳан хоннинг жавобидан куйидаги ҳулосага келган: «Уларнинг сиёсат билан иши йўқ. Энг катта ташвишлари қоринни тўйдириш, тинч яшаш, кимлар уларнинг

тирикчилигига кўмаклашса, ўшаларни дўст туттишади».

Чеченистоннинг миллий озодлик кураши раҳномаси Жавҳар Дудаев бундай деган эди: «Агар бугунги оталарнинг кўрқоқлиги «эҳтиёткорлик» деб хаспўшланадиган бўлса, эртанги фарзандлар қуллиги «содиклик» деб аталади». Ҳа, топиб айтилган гап.

Агар ўша кезлар Туркистон аҳли қалбида миллий ғурур пайдо бўлганида, эҳтимол, тарих филдираги бошқа йўналишда ҳаракатланар эди. Аммо ҳукмдор боболаримиз жанг майдонида бошни тик тутган ҳолда шаҳид бўлмоқдан кўра, Ватан эркини шоҳона ҳаётга алишмоқни афзал билди.

Чор империяси қулагач, ҳокимият тепасига келган большевиклар ҳам миллатимиз бошида тегирмон тоши юргизгани маълум. Мустабид тузум даврида миллатимизнинг асл фарзандлари қатағон қилинганини унутиб бўларканми? Ўша кезларда ҳам миллий ғуруримиз уйқуда экан-да. Шўро матбуотида қатағон мавзусида чоп этилган мақолаларга, тўхматномаларга чиппа-чин ишондик, ҳатто қизил ҳукуматнинг зулм сиёсатини олқишладик ҳам...

Яқин ўтмишимиздан яна бир мисол. Ўзбек халқининг атоқли фарзанди Ш.Рашидов вафотидан сўнг (1983 йил) унинг хотираси таҳқирланишига бефарқ қараб турганлигимизни эслаганда юракда бир оғрик пайдо бўлади.

Марҳум давлат арбобларини асоссиз танқид қилишни тўхтатмоқлик лозим. Негаки, бу ҳол ўтганларга нисбатан ҳурматсизлик бўлиб, ёш авлод онгу тафаккурида тарихимизга нисбатан ҳурматсизлик шубҳа-гумонларни шакллантиради. Ўтмиш билан фахрланиш, буюкларни қадрлаш каби хислатларни сўндиради. Донишмандлар бежиз «Ўтмишга ҳурмат билан қараб, келажакка ишонч билан шаҳдам қадам ташла» демаган.

Миллий ғурур фахр туйғуси бўлиб қолмай, миллат тақдирини, унинг келажак учун масъуллигини ҳис эта олиш ҳамдир. Шундай экан, миллий ғурурни ўстириш ва мустақамлаш учун мамлакатимизда эришилаётган муваффақиятларимиз бўрттирилмаслиги, камчиликлар ҳам рўй-рост айтилиши муҳим.

Мақола дебочасида қайд этилганидек, миллат қиёфасини белгиловчи иккинчи

муҳим омил бу – она тилига ҳурматдир.

Профессор Қозоқбой Йўлдошев таъбири билан айтганда, айниқса, ҳозирги глобаллашув даврида тил – миллат юраги, маънавиятни, руҳиятни шакллантирадиган, асрайдиган энг муҳим воситасига айланди.

Аммо бизнинг лоқайдлигимиз, миллий ғуруримиз ҳаминқадарлиги сабаб тилимиз ўз мавқеини йўқотиб бормоқда. 1989 йилда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган эди. Мана орадан 37 йил ўтди ҳамки, «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни тўла-тўқис ҳаётга татбиқ эта олмадик. Ахир қонунда давлат тилининг сўзсиз устунлиги белгиланиши лозим эмасми-ди? Мазкур ҳужжатда эса, имтиёз у ёқда турсин, тайин мажбурият кўзда тутилмаган. Қонуннинг 20-моддасига эътибор қаратайлик.

«Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин».

Афсуски, бу модда ҳеч бўлмаганда шу қонунни қабул қилган Олий Мажлис, унинг ижросига масъул Вазирлар Маҳкамаси, қонуннинг бажарилиши устидан назорат қилувчи Бош прокуратура кўним топган пойтахтимизда ҳам тўлиқ бажарилгани йўқ. Биринчи марта Тошкентга келган чет эллик сайёҳ ажнабий тилларда ёзилган пешлавҳаларни кўриб Ўзбекистонда эканига ҳам шубҳаланиб қолади.

Миллат вакиллари жонажон тарихи, ўзи мансуб бўлган халқнинг этногенезини, унинг дунёдаги мақом мавқеини пухта билмоғи лозим. Чунки бу – халқнинг, давлатнинг маънавий қиёфасини шакллантирувчи муҳим омилдир.

Тарихимиздаги оқ ва қора саҳифалардан зарур ҳулоса чиқармоқ – тақдируламал масала. Сир эмас, тарих фани кўпинча мафкурага дастёрликка мажбур этилади, сиёсий мақсадлар йўлида қурбон қилинади. Бинобарин, тарих ҳеч бир замонда ҳаққонийлик тамойилига уйғун равишда ёзилмаган. Сираси, кечмишни битишда нисбатан холисроқ бўлмоқ мумкин, холос. Бунга ҳам тарихдан кўплаб мисол келтирса бўлади. Лекин ёш авлоднинг мозийдан бездириш, уларда аждодларга нисбатан лоқайдликни кучайтириб қўйиш истиҳоласи сабаб тарих ва ҳаққонийлик мавзусидаги мулоҳазаларимизни мухтасар қиламиз.

Усмон Жўраев, Турон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими фахрий унвони, «Соғлом авлод учун» ва «Эл-юрт ҳурмати» орденлари нишондори, 8-мактаб ўқитувчиси.

ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА ОЗИҚЛАНТИРИШ

Асосий бериладиган ўғитлардан суперфосфат илдириш тизимини ривожлантириб, қишга чидамлилигини оширса калий ўғитлардан Калий хлорид совуққа, касалликка чидамлилиги ошириб, дон сифатини яхшилади. Бу ўғит асосан кузги шудгор пайтида берилди. Азотли ўғитлардан аммиак селитраси илк ўсишни тезлаштиради, асосий қисми баҳорги қўшимча озиқлантиришда берилди.



Аммо кам миқдорда асосий озиқлантиришда ҳам қўлланади. Органик ўғитлар сирасига киритилган гўнг

ўғити киради. Гўнг тупроқ унумдорлигини оширади. Ғалла майдонларини сифатли чириган маҳаллий

Озиқлантириш юқори ва сифатли ҳосил олиш учун энг муҳим агротехник тадбирлардан бири ҳисобланади. Асосий озиқлантириш ғалла экишдан олдин ёки экиш пайтида ерга бериладиган минерал ва органик ўғитлардан иборат бўлади. Бу ўғитлар ўсимликнинг илк ривожланиш босқичида озуқага бўлган эҳтиёжини қондиради.

ўғитлар билан суғориш ҳосилдорлигини бир неча бор ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Ғалла ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи касалликларга қарши

курашда жумладан ғаллада занг касалликлари сариқ занг, қўнғир занг, қора зангга қарши кураш комплекс тарзда олиб борилади. Унда агротехник чоралари ва зангга

чидамли навлар экиш чоралари қўлланилади. Хусусан экиш муддатини тўғри белгилаш жуда эрта ёки кеч экишдан сақланиш ҳамда ўғитларни меъёрида қўллаш.

Айниқса азотни ортиқча бермаслик, алмашлаб экиш, ҳосил қолдиқларини йўқотиш ёки чуқур шудгорлаш. Биологик чораларда ўсимлик иммунитетини оширувчи биопрепаратлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ж.Жўраев, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги туман бўлими етакчи мутахассиси.

Пешиндан бери ёмғир ёғяпти. Аввал эзиб ёғди – тўпиққа чиқадиган қорни оқизиб кетди. Кечга бориб бирдан шамол турди. Тарнов сувлари гоҳ чапга, гоҳ ўннга, гоҳ иморат деворига қуйилади...

Трамвай бекатида турганлар ўзларини кўча ёқасидаги дорихонага, дўконларга уришди. Бекатда фақат уч киши қолди: қиз тутган зонтик йигит учун ҳам паноҳ бўлди. Кейин зонтик йигит қўлига ўтди. Улардан сал нарида ўрта мактабнинг математика муаллими Козимбек турибди. Қўлида чамадонсифат портфел. Қаҳваранг палтоси ёмғирдан қорайиб кўринади. У панага ўтишни хаёлига келтирмайди.

Трамвай келди. Одамлар дорихона ва магазинлардан отилиб чиқишди, ўзларини трамвайга уришди, чиқолганлар қикди, қолганлари изларига қайтишди.

Козимбек ҳам, йигит-қиз ҳам жойларидан силжишмади.

Троллейбус келди. Одамлар дорихона ва дўконлардан отилиб чиқишди ва ўзларини унга уришди. Чиқолганлар қикди, қолганлари изларига қайтишди. Йигит билан қиз ҳам троллейбусга илинишди. Бекатда Козимбекнинг ўзи қолди.

Ёмғир ёғмоқда...

Козимбек кутяпти...

Ниҳоят, унинг кутгани – маршрутли такси келди, муроди ҳосил бўлди. Козимбек маршрутли таксиди юришга одатланиб қолган. Бўлмаса бу бекатда трамвай, троллейбус, автобуслар тўхтаб ўтади.

Козимбек эгилиб маршрутли таксига чиқар экан, орқа ўриндиқда ўтирган Жўравойга кўзи тушди. Қайтиб туриб кетишнинг иложи бўлмади, машина жойидан жилган эди.

– Ие, Козиммисан, сени сувга бўккан... – Жўравой гапининг давомини айтмади, шундай ҳам нима демоқчи эканлиги равшан эди, кейин ёнидан жой кўрсатди. – Қани, бу ёққа!

Козимбек билан Жўравой курсдош, беш йил бирга ўқишган. Жўравой курсдошлар орасида ҳазил-мутуйбага, калака қилишга усталлиги билан танилган эди. Козимбек бошқа бўш жой йўқлиги учун Жўравойнинг ёнига ўтиришга мажбур бўлди. У Жўравойнинг аскиясига учрашдан чўчир эди. Айниқса, одамлар орасида.

– Табриклайман! – деди дабдурустдан Жўравой Козимбек билан қўл олишар экан ва унинг елкасига уриб қўйди. Козимбек ҳайрон бўлиб қолди, ҳар нарсадан ўзича хулоса чиқараверадиган, ҳадиксирайверадиган бўлгани учун «табриклайман» дегани унга ғалати таъсир этди.

– Ўзим эшитмасам, бундоқ шипшитиб қўймайсан ҳам! – деди сўзида давом этиб жиддий қиёфада Жўравой. – Янгилик зўр-ку!

Козимбек ажабланиб:

– Ташунтириб айт! Нима билан табрикляяпсан? Янгилик деганинг нимаси! – деди.

– Қўй, муғомбирлик сенга ярашмас экан, – деди Жўравой. – Билиб туриб, ўзингни гўлликка

солма, оғайни. Бир жойда

ишлаб туриб... Эй, қўй-э...

– Рост айтяпман, – деди

Козимбек. – Ҳеч қанақа

янгиликни эшитганим йўқ.

– Ие, ҳали шундоқми,

бўлмаса сени гафлат босибди,

оғайни. Мактабнингдаги

ўзгаришдан беҳабар қолибсан.

Козимбекнинг юзида

таажжубланишдан кўра ваҳима,

ташвишлинишга ўхшашроқ

ифода пайдо бўлди.

– Қанақа ўзгариш? – деди

у ўз касалидан қўрққан бемор

врачга чўчиб савол берганидек.

Буни Жўравой сезмай

қолдирмади! Одатда ҳазилкаш

кишилари сўхбатдошларининг

ҳолатини тезда илғаб оладилар,

шунга қараб сўхбат тарзини

белгилайдилар. Жўравой

Фаниевич номига ариза ёзган,

дипломининг асл нусхасини

ҳам унга кўрсатган. Мана

энди кутилмаганда бунақа гап

чикди. Козимбек қизил қор

ёғишини хаёлига келтириши

мумкин эди (қачонлардир

аллақерда қизил қор ёққани

хақида газетада ўқиган эди)

аммо Фиёс Фаниевичдан ўзга

кишини мактаб директори

тўрт. Бошқа предметдан дарс

берганингиздами...»

Козимбекнинг феъл-атвори ҳам одатига муносиб эди. У қайнатасининг уйига борса, фақат қайнатаси билан гаплашарди, бошқалар билан сўзлашишни ўзига эп билмасди. Чунки қайнатаси оила бошлиғи-да!

Тўйда тўй эгаси билангина сўрашади. Никоҳ тўйида эса келин-куёвни табриклаш ўрнига уларнинг ота-оналарини қутлайди.

Дўконларга кирса, мудирни йўқлаб қўйгач, харид қилади.

Курсдошларини кўрганда уларнинг ўзини эмас, бошлиқларини суриштиради. Хуллас, ёмғирдан кўра қорни афзал билади, ҳандалак пишиғида қовундан гап очади...

Козимбек бир кечадаёқ

ўзини олдириб қўйди. Эртасига

ишга кўзлари киртайиб келди.

Ҳамкасблари уни тоби йўққа

чиқаришди. Аллақим: «Грипп

бўлса керак», дея ўзини четга

олди. Бу ҳам Козимбекка таъсир

қилмай қолмади. «Янгилик»дан

хабардор бўлса керакки, – деб

ўйлади, – мени Фиёс Фаниевичга

қочин санаб ўзини олиб

қочяпти». У тўрт соат дарсини

ўтгунча ўқитувчилар хонасига

кирмади – ўқитувчилардан

бирор гап эшитиб қолишдан

чўчиди. «Қани энди Жўравой

айтган гап ҳазил бўлса!»

Козимбек танаффус

пайтларида синфда ўтирди,

лекин бекор ўтирмади. Фиёс

Фаниевич ҳузурига кириш учун

бахона уйлади. Топди! «Шу

Наврўзда коллектив бўлиб

тоққа чиқилса!» Яхши таклиф!

Буни тополганидан беҳад

қувониб, директор ҳузурига йўл

олди. «Лекин Наврўзга ҳали

анча бор-да! Майли, олдиндан

тайёргарлик кўрган яхши».

Кабинетга кириб не кўз билан

қўрсинки, директор инспектор

Солиев билан сўхбатлашиб

ўтирибди. Буни кўриб Козимбек

ўзини йўқотиб қўйди, останада

сўрайиб қолди. Директор унга

қайрилиб қаради:

– Келинг, Козимбек, – у

ўрнидан турди. Буни Козимбек

ўзича йўйди: «Авваллари

кирганимда ўрнидан турмасди,

демак, мактабдан кетадиганга

ўхшайди. Солиевда яхши

таассурот қолдирмоқчи

шекилли». У олдин директор

билан ҳам қўл олишгач,

пойгакдаги стулга чўкди.

– Ҳўш, келинг? – деди Фиёс

Фаниевич.

Бу гапдан Козимбек: «Нега

сўхбатни бўлдинг, қани,

гапингни тез айту, кўздан

йўқол», деган маънони ўқди.

Демак, Жўравойнинг гапи

ҳазил.

– Фиёс Фаниевич, Наврўзда

бир лола сайлига чиқсак,

ўзингиз бош бўлсангиз, камина

хизматда турса...

– Лола сайли?.. Майли,

чиқамиз. Наврўз келсин,

албатта чиқамиз.

– Раҳмат, – Козимбек

кабинетдан хурсанд бўлиб

чиқиб кетди.

«Жўравойнинг гапи ҳазил

экан, Фиёс Фаниевич мактабдан

ҳеч қаёққа кетмайди. Кетадиган

одам ҳеч қачон шундай қатъият

билан ваъда бермасди... Козимбек бахтиёр эди...

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Қиммат ёмғир

Хикоя



Абдуқаҳҳор Иброҳимов Тошкентнинг Кўкча даҳасида 1939 йилнинг 16 августида дунёга келган. 1957-1962 йилларда Тошкент Давлат университетининг журналистика факултетида таҳсил олган. 1975-1977 йилларда Москвадаги Олий адабиёт курсида ўқиган. Республика Маданият ишлари вазирлиги қошидаги Санъат ишлари бошқармасида бош муҳаррир, 1990-1993 йилларда Республика Президенти Девонида маслаҳатчи сифатида фаолият кўрсатади. 1994 йилдан эса Республика «Маънавият ва маърифат» марказида хизмат қилган. Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Арра», «Мени айтди деманг», «Зулдир», «Бир уликка бир тирик», «Бу замон ўғлони», «Тусмол», «Сочқи», «Майли, майли», «Офарин», «Пуч», «Шайтон йўли» комедиялари Тошкент ва вилоят театрлари сахналарида қўйилган. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, «Меҳнат шўхрати» ордени берилган. У кейинги пайтда «Ватан туйғуси» (ҳамкорликда), «Бизким, ўзбеклар...», «Давлат тафаккури нима?», «Миллат овози» каби йирик публицистик китобларини ва «Уйқу келмас кечалар» романининг биринчи жилдини ўқувчиларга тақдим этди. 2020 йил 20 июнь куни вафот этган.

янада жиддийлашди. Бироз сукут сақлагач, Козимбекнинг қулоғига шипшиди:

– Директоринг мактабдан кетди, ўрнига туман халқ таълими бўлимининг инспектори Солиев тайинланди.

– Йўғ-э, йўғ-э... Бўлмаган

гап. Ҳазилни қўй, оғайни.

– Ҳазил эмас, рост. Сенга

ёлғон гапирармидим?

– Мени калака қилма.

– Рост. Қуни кеча туман халқ

таълими бўлими шундай қарор

қилибди. Ҳозир ўша ердан

эшитиб келяпман.

Бу гапдан Козимбекнинг эти

увишиб кетди. Шунча ёмғирда

қолиб ҳам эти увишмаган эди.

– Мана шунақа гаплар,

оғайни, – деди Жўравой

юпатгансимон.

– Наҳотки... – Козимбекнинг

томоғига бир нарса тикилгандек

бўлди. – Наҳотки...

– Майли, ишонмасанг,

ишонмай қўя қол. Мен бор

гапни айтдим.

– Гапинг чин бўлса, яхши

бўлмабди. Ҳар ҳолда, Фиёс

Фаниевич мактабдан кетмайди.

– Нега энди?

– Негаки, бугун Фиёс

Фаниевичда ҳеч бир ўзгариш

сезилмади. Авваллари қандай

бўлса, бугун ҳам шундай

кўринди.

– Дилидагини билиб

ўтирибсанми? Мактабдан

кетиши аниқ.

– Ўзи билармикан?

– Бўлмаса-чи! Кеча

мажлисда қатнашибди.

«Кўринишдан на

хурсандлиги, на хафалиги

сезилган эди». Козимбек

шунинг дилидан ўтказди, кейин

Жўравойдан аста сўради:

– Оғайни, қани айт-чи

директоримиз юқорилармикан

ёки...

Козимбек гапининг бу ёғини

айтмади, гўё Фиёс Фаниевич

эшитиб қолаётгандек тилга

олишга чўчиди.

– Дарвоқе, буни сўрамабман.

Лекин мактабдан кетиши аниқ,

– шундай деб Жўравой туриб

кетди.

Козимбекнинг юраги

увишганича бор. Мактаб

директори Фиёс Фаниевич

унинг неча йилларки бошлиғи.

Козимбек институтни тугатиб,

тўғри шу мактабга ишга келган.

Бунга ҳам бу ўқув йили тугаса,

ўн йил тўлади. Козимбек ишга

қабул қилинишини сўраб Фиёс

сифатида тасаввур қилолмасди.

Фиёс Фаниевичга шу қадар

кўникиб, ўрганиб, мослашиб

кетган эдики, асти қўяверасиз.

У мактабда директордан

бўлак ҳеч кимни тан олмасди.

Ўқитувчилар у ёқда турсин,

ҳатто илмий мудир билан

ҳам ҳисоблашмасди. Нимаики

таклифи бўлса, лутфан

директорга айтади, нимаики

илтимоси бўлса, шахсан

директорга учрашади. Бу

ҳолнинг одат тусини олишига

дастлабки пайтларда Фиёс

Фаниевич билан Козимбекнинг

тенгдошлиги сабаб бўлди.

Козимбекнинг маслаҳат сўраб

ёки таклиф билан ҳузурига

тез-тез кираверишига Фиёс

Фаниевич мойиллик билдирди,

чунки бу ўзига хуш ёқарди.

Козимбекдан илтифотларини

дариғ тутмади. Илмий мудир ёки

мактабнинг бошқа раҳбарлари

билан ҳам битирса бўладиган

«Халқ овози»
ижтимоий-
сиёсий
газетаси



Муассис
Бўка тумани
хокимлиги

Муҳаррир
Гулжаҳон
ЁМГУРОВА

Тошкент вилояти
Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил
23 августда 03-021
рақам билан
рўйхатга олинган.
Нашр кўрсаткичи: 292

Таҳририят манзили:
Бўка шаҳри,
А. Қодирий
кўчаси, 5-уй
Тел: 94-610-66-08

Баҳоси
келишилган нарҳда

Газета "Niso nashriyot
va matbaa uyı" МЧЖ
босмаҳонасида
чоп этилди.

Манзил: Ўртачирчиқ
тумани "Машъал"
махалласи 1-уй
Офсет усулида
босилди,
қоғоз бичими А-3
Босишга
топшириш
вакти: 16:00
топширилди: 15:00
Нусхаси 3500

БУЮРТМА №

Ⓢ белгили
материал -
тижорат
материаллари

Таҳририятга
юборилган
қўлёзмалар
таҳлил
қилинмайди ва
муаллифга
қайтарилмайди.
Муаллиф фикри
таҳририят нуқтаи
назаридан
фарқланиши
мумкин

Нашр учун масъул
Д.УСМОНОВА

Саҳифаловчи-дизайнер
Д.ОЛИМОВА

Газета ҳафтанинг
жума куни чиқади.


Таҳририятнинг
электрон манзили:
E-mail:
bukhalqovozi@umail.uz

ISSN 2181-662X

Ҳажми 1,5 босма табоқ

ШОВҚИНЛИ ҲАЁТДАН УЗИЛИБ

Азим СУЮН



ДЎРМОН ТОНГЛАРИ

Танти тонглар, фараҳбахш
тонглар,
Илоҳий ранг, шаффоф тароват.
Боғлар аро жимжит оҳанглар,
Биллур жаранг, самовий роҳат.
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон
тонглари.
Ишқомларда тарсиллар узум,
Ҳар донаси пари кўзидек.
Олгинг келмас бандидан узиб,
Оролар тонглар қизидек.
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон
тонглари.
Сукунатни синдириб бир жуфт
Зарранг саъва «чағ-ғ», «чағ-
ғ»лаб учар.
Икки қумри қоқишганча кифт,
Бир-бирини суюшиб кучар.
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон
тонглари.
Тоғлар оша тилла толалар
Жилвалари чиқар таралиб.
Чирчиқ дарё бўйлаган толлар
Солланади нурда тараниб.
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон
тонглари.
Бу ҳаволар, қандай ҳаво бу,
Дўрмон тонги ҳаволаридир.
Бу наволар, қандай наво бу,
Ўзбекюртим наволаридир.
О, Дўрмон тонглари, Дўрмон
тонглари.

Д.ОЛИМОВА.

номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйда чоп этилмоқда.
Уларнинг 1-жилди «Эй
дўст» 2009 йил, 2-жилди
«Ўзбекюрт» 2015 йил,
3-жилди «Мен сизни севаман»
2016 йил, 4-жилди «Тугдона»
2020 йилда китобхонлар
қўлига етиб борди.

Азим Суюннинг бир
қанча шеърлари, шеъринг
туркумлари, китоблари, рус,
инглиз, турк, қозок, тожик
каби ўнлаб тилларга таржима
қилинган. Ўз навбатида унинг
ўзи ҳам бир қанча чет эл
шоирларининг асарларини
ўзбек тилига ўгирган.

Азим Суюн «Қайирма»
жанрига асос солди.
Унинг шеъринг ва насрий
қайирмалардан иборат «Эй
дўст» китоби маълум ва
машҳур бўлиб, бир неча бор
чоп этилган. Шунингдек, шоир
ижодида «Иморат ва ёки бир
томчи Денгизга айланган кеча
достони», «Замин тақдири»,
«Сарбадорлар» драматик
достони, «Ўзбекистон»
достони алоҳида аҳамиятга
эга. Унинг «Ўзбек давлати»
достони эса мустақиллик

мавзусидаги етук асарлардан
биридир.

Шоир 1991 йили
«Ўзбекистон» достони ва
бир туркум шеърлари учун
Абдулҳамид Чўлпон номидаги
биринчи халқаро мукофотга
сазовор бўлган. 1996 йили
«Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими»
унвони билан мукофотланган.

Бевосита ёзиш жараёни
Сизда қай тариқа кечади? –
деган саволга у қуйидагича
жавоб берган. – Ёзиш
жараёни... насрчиларни
билмайману, аммо шоирларда
бу ҳолат жуда турли-туман
кечиши табиий. Асосан
тунда – шовқинли ҳаётдан
узилиб ишлайман. Асосий
машғулоти – шеърларимдан
намуналар эса 1965 йил
«Ғунча» журналида босилган.
Лекин мен «биринчи
асарларим» деб 1975 йил
«Гулистон» журналининг
11-сонига чоп этилган
бир туркум шеърларимни
биламан. Азим Суюн 2020
йилнинг 9 март куни вафот
этган.

Азим
Суюн 1948 йил
22 февралда Самарқанд
вилояти Накурт қишлоғида
туғилган. Бу овлоқ қишлоқ
Нурота тоғларининг Қоратоғ
тизмаси орасида жойлашган.
У 1969-1971 йилларда ҳарбий
хизматда бўлди. Хизматдан
қайтгач, ТошДУ (ҳозирги
ЎЗМУ)нинг журналистика
факультетининг кечки
бўлимида ўқиган.

Азим Суюннинг илк
шеъринг машқлари,
мақолалари ўқувчилик
кезларидаёқ «Гулхан»,
«Ғунча» журналларида,
туман, вилоят газеталарида
ёритила бошлади. Биринчи
китоби – «Менинг осмоним»
(1978). Шундан сўнг
шоирнинг «Зарб» (1979),
«Замин тақдири» (1981),
«Хаёлот» (1984), «Зиё йўли»
(1986), «Жавзо» (1987),
«Олис тонглар» (1989),
«Куйганим-суйганим» (1992),
«Сарбадорлар» (1994),
«Қора кўзинг сенинг» (1994),
«Сайланма» (1997), «Ўзлик»
(1999), «Шарқ хикмати»
(2000), «Эй дўст» (шеъринг
қайирмалар, 2005), «Ватан
фасллари» (2007), «Муҳаббат
хайратлари» (2009), «Андиз
ўсган ерларда» (2012), «Эй
дўст» (насрий қайирмалар,
2014), «Навоийдан топдим»
(2015), «Мен – ерликман»
(шеърлар ва дoston, 2020)
номли китоблари нашр
этилди.

Шунингдек, шоирнинг
7 жилдлик «Танланган
асарлар»и Фафур Фулом

Kulgu soati

Ikki sinfdosh
suhbatlashmoqda:
– Nega seni otang tushlikka
bunchalik ko'p pul beradi?
– Aslida adam buncha pul
bermas edilar. Ular mendan
maktab oshxonamizni telefon
raqamini so'ragandilar, men
ataylab ko'chaning narigi
tarafidagi restoranning raqamini
berdim. Adam restoranga
qo'ng'iroq qilib, tushlik necha
pul turishini so'rabdilar. O'sha
kundan beri menga shunaqa
ko'p pul beradigan bo'lganlar.
* * *

O'g'il kechki payt mast
kelib, uyga kirsam, stolni ustida
qovun turgan ekan. «Bir oz
yeb yotay, bo'lmasam uydagilar
ichib kech kelganimni bilib
qolishadi», – deb qovunni yeb,
uxlabdi.

Ertalab oyisi:

– Ey, uyati yo'q, tur!
Kechqurun uyga ichib
kebsan-a?

– Yo'q, oyi.. Men ichganim
yo'q, nimalar deypisiz?
– Ichganim yo'q? Tunda
oshqovoqni yarmini yeb
qo'yibsanku, – dermish.



Назар ОШОНҚУЛОВ

АДАБИЁТ – МИЛЛАТ ҚЎНГЛИДИР

ички кўринишидир. Шунинг учун «Мен» ва
мустамлака, «Мен» ва тоталитаризм, «Мен»
ва ёлғон келиша олмайди. Фақат мустақкам
«Мен»гина миллат ва ватан учун бугун
ва эртага ҳам ўқиладиган, куйланадаган,
шарафланадиган Сўз ярата олади, кўз олди-
даги воқеликни ижодкор олами билан боғлай
олади.

* * *

Миллатнинг эстетик савияси, диди давлат
чегараси каби қаттиқ ҳимоя қилиниши
шарт бўлган ҳудуд деб ўйлайман. Шу
жумладан, бугунги китобхоннинг ҳам дидини
ўлдирмаслик, уни бестселлерга ўргатмаслик,
эрмак учун ўқийдиган китобхонга
айлантирмаслик лозим.

* * *

Адабиёт – миллат кўнглидир. У ана
шу катта кўнглида содир бўлаётган
ўзгаришларни билиши, англаши, оғриши,
завқланиши, куйиниши, талвасага тушиши
керак. Ана шу англаш жараёни турлича кечади.

Янгиланаётган дунё – покланаётган
дунёдир. Янги адабиёт – янги сўз, янги тил
деганигина эмас, балки янги дунё, янги
изтироб, янги тафаккур, янги юксаклик
дегани ҳамдир.

* * *

...Гўзалликни қабул қилиш, завқланиш ҳар
қандай ҳайрати сўнмаган одамнинг қўлидан
келади, гўзаллик ҳаммани ҳайратга солиши
мумкин, бироқ уни яратилиш ҳамманинг ҳам
қўлидан келавермайди.

* * *

Ўзига ишонмаган одам ёхуд «Мен»и
шаклланмаган одам – ичкараси забт этилган,
ҳеч бўлмаса, забт этилиши арафасидаги
одамдир. Ички дунёнинг мустамлакаси
қулликнинг, нари борса мутеликнинг